



Мавлуда Рахманова

Ўзбекистон Фанлар академияси

Тарих институти таянч докторанти.

E-mail: erkinovnalyuda95@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН ССРГА МАЖБУРИЙ КЎЧИРИЛГАН ХАЛҚЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ

(Таълим тизими мисолида)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15729716>

Аннотация. Мақолада XX асрнинг 30 – 40-йилларида Ўзбекистон ССРга мажбурий кўчирилган халқлар аҳолисининг ижтимоий ҳаёти, хусусан, таълим ва маориф билан боғлиқ масалалари ҳамда муаммолари манбалар, адабиётлар асосида таҳлил этилган.

Калим сўзлар: Ўзбекистон ССР, депортация, жазолангандан халқлар, Маориф халқ комиссарлиги, мактаб таълими, болалар уйи, ўқишга қамраб олиш муаммолари.

Кириш. XX асрнинг 30 – 40-йилларида совет ҳокимияти томонидан инсоният тарихидаги энг шавқатсиз қатағонлардан бири ҳисобланган халқларни мажбурий кўчириш сиёсати амалга оширилди. Совет давлатининг ушбу сиёсатдан кўзлаган бош мақсади коммунистик мафкура ғоялари асосида ташкил этилган ҳокимиятини сақлаб қолиш ҳамда янада мустаҳкам илдиз отиши учун замин ҳозирлаш эди. Ўзбекистон ССР ҳудудига XX асрнинг

30 – 40-йилларида сон жиҳатдан аҳолиси энг кўп депортация қилинган халқлар биринчи ўринда қирим татарлари, иккинчи ўринда поляклар, учинчи ўринда корейслар ҳисобланган. Умумий ҳисобда бу даврда Ўзбекистон ССРга 350-360 минг 20га яқин турли миллат ва элатгага мансуб халқлар мажбуран кўчирилган ва бу миқдор бутун СССР бўйича жами депортация қилинган аҳолининг 10 фоизини ташкил қилган.

Асосий қисм. Мажбурий кўчирилган аҳоли фарзандларини мактаб таълимига жалб қилиш ишлари, республика бўйича дастлабки йилларда қийин кечган. Жумладан, 1937 йилда республикага биринчилардан бўлиб кўчирилган корейс аҳолисининг 21 986 нафарини мактаб ёшидаги болалар ташкил қилган. 1937 йилнинг 25 ноябрга қадар 17 туманда таркибида 416 нафар корейс ўқитувчилари бўлган 72 та мактаб ташкил этилиб, 9213 киши ўқишга қамраб олинган[1]. Дастлабки даврда мактаб учун бинолар ва ўқув жиҳозлари етишмаслиги сабабли корейс ўқувчиларининг ярмидан қўпи мактаб таълимига қамраб олинмаган.

1938 йилнинг 1-март ҳолатига кўра, корейс тилида ўқитилувчи 90 та бошланғич, 30 та тўлиқ бўлмаган ўрта, 9та умумий ўрта таълим мактаблари ташкил этилиб, жами 11 707 нафар ўқувчи таълимга тортилади. Барча корейс мактабларида 559 нафар ўқитувчи мавжуд бўлган. Бироқ, ушбу даврда республикада 485 нафар бола ўқишга қамраб олинмаган бўлиб, уларнинг 173 нафари Қорақалпоғистон АССРга, 189 нафари Пастдарғом туманларига тўғри келган [2].

Корейс аҳолисининг 1938 йилги хўжалик-меҳнат фаолиятларини текшириш ишлари натижаларига кўра, Қорақалпоғистон АССР бўйича кўчирилган корейс болалари учун Маориф халқ комиссарлиги томонидан жами 11 та (Қўнғирот туманида 8 та, Хўжайли туманида 3 та) мактаб ташкил килинниб, улардаги ўқувчилар қамрови 1113 кишига етган ва мавжуд мактабларда 284 кишини ташкил қилган. Ушбу мактаблар корейс тилидаги

дарсликлар билан түлиқ таъминланмаган ҳамда 3 минг рублга сотиб олинган дарсликлар ўқувчиларга етказилмаган [3]. Корейс тилидаги ўқув қўлланмалари билан таъминланмаган мактабларда асосан рус тилидаги адабиётлардан фойдаланиш йўлга қўйилган.

1938 йилнинг 1 январида Ўзбекистон ССР хукуматида корейс тилида чиқадиган нашрлар ва маънавий-марифий ишларни йўлга қўйиш масаласи кўрилган. ХКС қарори асосида Маориф халқ комиссарлиги томонидан 1938 йилда корейс мактабларини қуриш учун 6 млн рубл рубл ажратиш режалаштирилган ҳамда ушбу йилнинг 2-чораги учун 3 млн 600 минг рубл маблағ мактаб қурилишларини молиялаштириш учун давлат режасига киритилган. Бироқ, Ўзбекистон ССР ХКС ва КП (б) МҚ нинг 1938 йил 1 сентабрга қадар мактаблар қурилиши якунлаш бўйича қарори Ер ишлари ва Маориф халқ комиссарликлари томонидан бажарилмаган. Корейс мактабларини қуриш режаси ушбу йилда бутун республика бўйича бор йўғи 15,4 фоиз амалга оширилган [4].

Ўзбекистон ССРга кўчирилган 379 нафар корейс талабаларининг барчасини янги ўқув йилидан республикадаги олий ўқув юртларига (220 нафарини), техникумларга (150 нафарини) ўқишига қамраб олиш ва стипендиялар ажратиш топшириғи берилган [5]. Аммо, барча корейс талабаларидан фақатгина 103 нафари олий ўқув юртларига қабул қилинган.

1-жадвал

Корейс талабаларининг 1938 йилда Ўзбекистон ССР олий ўқув муассасаларига жойлаштирилиши [6]

	ОУМнинг номи	Талабалар сони
	Наманган педагогика билим юрти	40
	Самарқанд педагогика билим юрти	46
	№12	

	Ўрта Осиё давлат университети	12
	Тошкент давлат педагогика институти	4
	Тошкент индустриал институти	1
	Жами	103 киши

Ўқишига қамраб олинмаган талабалар корейс мактабларида ўқитувчилик билан шуғуланиши талаб қилинганд [7]. Шунингдек, олий ўқув юртларини ҳам корейс тилидаги дарсликлар ва бошқа турли адабиётлар билан таъминлашга эътибор қаратилмаган.

Ўзбекистон ССРга XX асрнинг 40-йилларида кўчирилган аҳолининг ижтимоий муаммолари 30-йилларда кўчириб жойлаштирилган халқларнициданда оғир бўлган. Бунинг биринчи асоси, уларнинг уруш даврида кўчирилганлиги бўлиб, мажбурий кўчирилганларнинг ижтимоий таъминоти учун мўлжалланган ресурслар кўпроқ фронт мақсадлари учун йўналтириб юборилганлиги бўлса, иккинчи асоси “жазоланган халқлар” сифатида депортация қилинганлар ижтимоий жиҳатдан янада қийин аҳволда қолишга маҳкум қилинганлиги эди.

Иккинчи жаҳон уруши ва депортация сиёсати кўплаб болаларнинг ота-онасиз қолишига олиб келди. Ўзбекистон ССРга мажбурий кўчирилган ота-онасиз етим болаларнинг сони (тахминий) 5718 киши бўлиб, уларнинг 5443 нафарини болалар уйига жойлаштирилиши режалаштирилган. Афсуски, Болалар уйининг тўла юклanganлиги ва Маориф халқ комиссарлиги томонидан янги болалар уйларнинг қурилиши учун маблағ ажратилиши назорат қилинмаганлиги туфайли етим болаларнинг қаровсиз қолиши ҳолатлари юз берган [8].

2-жадвал

Болалар уйига қабул қилинган маҳсус кўчирилган аҳоли фарзандлари сони [9]

<i>№</i>	<i>Вилоят номи</i>	<i>Болалар сони</i>
1	Тошкент	250
2	Андижон	445
3	Фарғона	314
4	Наманган	243
5	Самарқанд	117
6	Бухаро	72
7	Қашқадарё	1000
	Жами	1461

Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигининг 1944 йил 28 ноябр ҳолати бўйича берган маълумотига кўра вилоятлардаги болалар уйига 1461 нафар киши қамраб олинган. Бу кўрсаткич болалар уйига жойлаштирилиши лозим бўлган режадаги миқдорнинг 1/5 қисмини ташкил этади, холос.

Наманган вилоятидаги “Норин” совхозида маҳсус кўчирилан 130 нафар болаларга мўлжалланган янги Мехрибонлик уйи ташкил этилган. Ўзбекистон ССР ХКС хузуридаги Кўчириш бошқармаси бошлиғи Фофуровнинг Маориф халқ комиссарлигининг Болалар уйи бўлимига юборган хатида келтирилишича, ушбу совхоздаги етим болалар таъминоти учун етарли шароитлар яратилмаган ва болалар очликка маҳкум бўлган. Ҳар бир болага совхоз ҳисобидан бор йўғи кунлик 100 грамм арпа уни бериб турилган. Фофуров зудлик билан янги ташкил қилинган болалар уйига жарур жиҳозлар юбориб, озиқ-овқат билан таъминлаш масаласининг ҳал этилишини Маориф халқ комиссарлигидан сўраган [10]. Бошқа вилоят ва туманларда ҳам болалар учун ўйин майдончалари ва Мехрибонлик уйлари етарли даражада жиҳозланмаган, моддий материаллар (чойшаб, кийимлар, исиниш, юваниш воситалари) билан яхши таъмин этилмаган. Юқумли касалликлар ва озиқ-овқат етишмовчилиги, болаларга ўз вақтида тиббий-санитар ёрдам кўрсатилмаслиги туфайли ўлим ҳолатларини

кўпайишига олиб келган. Мехрибонлик уйига жойлаштирилмаган болалар қўп ҳолларда туб ерли ва махсус кўчирилган оилалар томонидан асраб олинган.

Ўзбекистон ССР ХКС ва Ўзбекистон КП (б) МҚнинг 1944 йил 30-ноябрдаги 1228-159-с сонли “Махсус кўчирилган қирим татарларининг хўжалик ва иқтисодий тузилиши тўғрисидаги” қарорининг ижросига асосан Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан 1945 йили 1534 нафар ота-онаси бўлмаган махсус кўчирилганлар фарзандларини Болалар уйларига жойлаштирилган ва Тошкент вилоятида 3 та янги Болалар уйи фойдаланишга топширилган [11].

Совет даврида мажбурий кўчирилган аҳоли фарзандларини ўқишга қамраб олиш ва таълим беришда бир қатор муаммолар юзага чиқади. Ўзбекистон ССР бўйича уруш даврида махсус кўчирилган умумий 170 071 кишининг 83 441 таси яъни, 49 фоизи 16 ёшга кирмаган болалар эди. Ушбу болаларнинг 40 560 нафари яъни 48,6 фоизи мактаб ёшидаги болалар ҳисобланган. Дастребки даврда фақатгина 17 697 нафари, яъни уларнинг 43,7 фоизи ўқишга қамраб олинган [8]. Бу ерда республика бўйича 62,3 фоиз болаларнинг ушбу даврда мактабга бормаганлиги маълум бўлади. Болаларнинг таълимга тўлиқ қамраб олинмаганлигигинг асосий сабаби уст ва оёқ кийимларинг етишмаганлигидан эканлиги вилоят кўчириш гурухи инспектори ҳисботларида акс этган.

1945 йил Тошкент вилояти бўйича ўқувчиларнинг мактабга қамраб олиш кўрсаткичи бор йўғи 39 фоиз бўлган [12]. 1947 йилда бу кўрсаткич 40 фоизга ошган, яъни 14 139 нафари мактаб ёшидаги болаларнинг 11 174 нафари (79 фоиз) мактабга, Фабрика завод мактаблари ва ҳунармандчилик билим юртларига 455 нафари ўқишга жалб қилинган. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолига ҳам ёрдам кўрсатиш тадбирлари ушбу вилоятда 1947 йилда ҳам тўлиқ амалга ошмаган бўлиб, 2019 нафар қаровсиз етим қолган болаларнинг бор йўғи

915 нафари болалар уйига жойлаштирилган, 104 нафари эса маҳсус кўчирилган оиласарга асраб берилган.

Бошқа вилоятларда ҳам ўқувчиларнинг таълимга қамраб олинишида шундай муаммолар юзага келган. Жумладан, Биргина Фаргона вилояти мисолида оладиган бўлсак, 1945 йилда вилоятда Қирим контингентига мансуб маҳсус кўчирилган болалар сони 4142 нафар бўлиб, уларнинг 3882 нафари, яъни 92 фоизи ўқишга қамраб олинган, Грузия контингентига мансуб болалар сони эса 2329 нафар бўлиб, уларнинг 1365 нафари, яъни 58 фоизи ўқишга қамраб олинган [13]. Шунингдек, Кўчириш бошқармаси бошлиғи Фофуров Ўзбекистон ССР Маориф вазири Муродхўжаевга Бухоро вилоятида маҳсус кўчирилган аҳоли болаларининг 2504 нафаридан бор йўти 898 нафари мактаб таълимига жалб этилганлиги, 60 фоизи ортиқ (1606 нафар) болалар таълим олишдан четда қолаётганлиги танқид қилиб, таълим бўйича туман бўлимлари 1948 – 1949-йилдан барча мактаб ёшидаги болаларни ўқишга жалб этиш учун зарурӣ чоралар кўриши лозимлигини уқтиради [14].

Бундан ташқари, уларнинг бошқа ҳудудларга бориб таълим олишларига ҳам чекловлар қўйилган бўлиб, ўрта ва олий ўқув юртларида таълим олиш фақат республика ҳудудида амалга оширилиши мумкин бўлган. Уларнинг бошқа ҳудудларга бориб ўқиши фақатгина НКВД органлари рухсати билан амалга оширилган [15]. Масалан, Грузия ССРдан 14 ёшида оиласи билан Бухоро вилоятига кўчирилган Мардон Ламошвилиниң Г.Маленков (СССРнинг 1953-1955 йиллардаги хукumat раҳбари) номига ёзилган шикоят аризасида кўрсатилишича, у ўзбек тилида яхши таҳсил олиб, ўзбек ва рус тенгдошлари билан ака-уқадан бўлиб кетган. Бироқ, Темир йўл техникумiga хавас қилиб, Тошкентга ўқишга бориш учун рухсат сўраганида совет амалдорлари томонидан унга ўз вақтида жавоб берилмаганлиги сабабли у ўқишдан қолиб кетади [16].

Совет ҳокимияти Ўзбекистоннинг маҳаллий шароитларига эндиғина мослашиб, туб аҳоли билан манавий алоқаларни йўлга қўя бошлаган мажбурий кўчирилганларни бу ерда ҳам руслаштириш сиёсатига маҳкум этади. Ўзбекистонга кўчирилган барча халқлар ё ўзбек, ё рус тилида ўқитиладган мактабларда ўқиган. Жумладан, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигининг 1942 йил 9 ноябрда чиқарган буйруғига асосан, корейс мактабларида ўзбек тилининг ўқитилишини чеклаш, унинг ўрнига рус тилидаги дарс соатларини кўпайтиришга кўрсатма берилади [17]. Шунингдек, ССРХКСнинг 1944 йил 20 июлдаги (№13287рс) қарори ижрога киритилган бўлиб, унга асосан Ўзбекистон ССР ва қўшни республикаларга кўчирилган чечен, ингуш, қорачой, болқор ва қирим татар халқининг болалари мавжуд бошланғич мактабларда рус тилида ўқитилиши белгиланган [18]. Ўз тилларида улар фақатгина оила аъзолари билан сұхбат қила олганлар. Демак, совет ҳокимияти туб аҳоли ва кўчирилганлар ўртасида маданий алоқаларнинг ривожланишига тўсқинлик қилишни, минтақада рус тилининг аҳамиятини мустаҳкамлаб қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Мажбурий кўчирилган халқларга берилган зарбалардан бири уларнинг этник маданиятига ва тилига таъсир ўтказилганлиги бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ, Ўрта Осиё ва Қозогистонда яшовчи корейслар орасида умуммулоқот тили сифатида рус тилининг аҳамияти кучаяди. Корейс тили ўқитувчилари сони камайиб, 1964 йилда Тошкент педагогика институтининг корейс тили бўлими ёпиб қўйилади [19]. 1989 йилги аҳоли рўйхатларида Ўзбекистон ССРдаги 183 140 нафар корейс аҳолисининг бор йўғи 55 фоизи ўз она тили сифатида корейс тилини ва 0,3 фоизи ўзбек тилини, қолган 43,8 фоизи рус тилини кўрсатган [20]. Шунга қарамасдан улар узоқ йиллар давомида ўз она тилини, маданиятини сақлаб қолишга бор кучи билан ҳаракат қилган.

Ўзбекистон ССР ҳукумати мажбурий кўчирилган халқларни қабул қилиш ва жойлаштириш, уларнинг ижтимоий-иктисодий, майший турмушини йўлга

қўйиш мақсадида зарурий чоралар ишлаб чиқишига киришади. Бироқ, ушбу даврда республика иқтисодиётидаги реал ҳолат анча оғир бўлиб, маъмурий буйруқбозлик тизими устунлиги туфайли ушбу сиёсий жараённинг аҳамияти ўз вақтида англанмайди. Совет ҳокимиятининг халқлар депортациясида юритган сиёсатининг мақсади, мажбурий кўчирилган халқлар фарзандларини ғоявий қайта тарбиялаш, советча мафкурани уларнинг онгига сингдириш, аёлларнинг кўп фарзандли бўлишини қўллаб қувватлаш орқали кўпдан-кўп совет кишиларини улғайтириш ҳисобланган.

1955 йилда СССР КПСС МҚ Президиумининг “Махсус кўчирилганлар орасида оммавий-сиёсий тадбирларни кучайтириш чоралари тўғрисида”ти қарори эълон қилинади. Ундаги бош масала айнан Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ССР Компартия МҚлари томонидан махсус кўчирилганларни совет ватанпарварлиги ва коммунизм руҳида тарбиялашга, мактаб таълимига эътиборни кучайтиришга қаратилган эди [21].

Хулоса: Совет давлатининг барча жиноятларига гувоҳ бўлган, советча тузумнинг ғалаба қилишига қарши бўлган, ўзининг демократик ва инсоний хуқуқларини яхши тушуниб олган ёши катта авлодлардан бундай фуқароларни етишириш мушкул эди. Шунинг учун ҳам совет давлатида боғча ва мактаб ёшидаги болалар тарбиясига таъсир ўtkазиш, коммунистик ғояларни уларнинг онгига сингдириш орқали сиёсий мақсадларни амалга ошириш усулини қўллашга киришилади. Буни мажбурий кўчирилган халқларнинг ижтимоий таркибида боғча ва мактаб ёшидаги болалар сонининг кўплиги ҳам яққол исботлайди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. “По решению правительства Союза ССР...”. Сборник документов. Сост. и авторы Бугай Н. и Гонов А. – Нальчик, 2003. – С. 151-152.
2. ЎзМА. Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 1226-йифмажилд, 20-21-варақлар.
3. ЎзР ИИВА. Р-432-жамғарма, 5-рўйхат, 10-йифмажилд, 55-66-варақлар.

4. ЎзМА. Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 1228-йиғмажилд, 30-варап.
5. ЎзМА. Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 589-йиғмажилд, 12-варап.
6. ЎзМА. Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 1226-йиғмажилд, 20-21-варақлар.
7. “По решению правительства Союза ССР...”. Сборник документов. Сост. и авторы Бугай Н. и Гонов А. – Нальчик, 2003. – С. 152.
8. ЎзМА. Р-314-жамғарма, 7-рўйхат, 5-йиғмажилд, 162-варап.
9. ЎзМА. Р-314-жамғарма, 7-рўйхат, 26-йиғмажилд, 376-варап.
10. ЎзМА. Р-314-жамғарма, 7-рўйхат, 26-йиғмажилд, 128-варап.
11. ЎзМА. Р-314-жамғарма, 7-рўйхат, 5-йиғмажилд, 136-варап.
12. Тошкент вилоят давлат архиви (Тошкент ВДА). 652-жамғарма, 1-рўйхат, 473-йиғмажилд, 117-варап.
13. ЎзМА. Р-314-жамғарма, 7-рўйхат, 5-йиғмажилд, 146-147-варақлар.
14. ЎзМА. Р-314-жамғарма, 7-рўйхат, 24-йиғмажилд, 391-варап.
15. ЎзР ИИВА. 32-жамғарма, 1-рўйхат, 66-йиғмажилд, 21-варап.
16. ЎзР ИИВА. 8-жамғарма, СП 12428-йиғмажилд. 25-варап.
17. ЎзМА. 94-жамғарма, 5-рўйхат, 4401(з) -йиғмажилд, 4-варап.
18. ЎзР ИИВА. 32-жамғарма, 1-рўйхат, 66-йиғмажилд, 21-варап.
19. Рахманкулова А. К вопросу просвещения и образования корейцев в Узбекистане (с момента депортации по настоящее время) //
 중앙아시아. 카프카즈연구. 제3권 제1호 / 2011. pp. 116-117.
20. Хан В.С. Историография корейцев Центральной Азии: основные направления и этапы развития. – Ташкент: Baktria press, 2021. – С. 145-146.
21. Кешаниди Х. Выселение греков СССР в 1949 году. К 65-летию депортации-насильственного спецпереселения греков из Причерноморья. – Афина, 2015. – С. 153-155.

ОБЩЕСТВЕННАЯ ЖИЗНЬ НАРОДОВ, ПРИНУДИТЕЛЬНО ПЕРЕСЕЛЕННЫХ В УЗБЕКСКУЮ ССР (НА ПРИМЕРЕ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ)

Аннотация. В статье на основе источников и литературы анализируется общественная жизнь населения народов, насильственно переселенных в Узбекскую ССР в 1930-1940-е годы, в частности вопросы и проблемы, связанные с образованием и воспитанием.

Ключевые слова: Узбекская ССР, депортация, репрессированные народы, Наркомпрос, школьное образование, детский дом, проблемы образовательного охвата.

SOCIAL LIFE OF THE PEOPLES FORCIBLY RESETTLED IN THE UZBEK SSR (ON THE EXAMPLE OF THE EDUCATION SYSTEM)

Abstract. The article analyzes the social life of the population of the peoples forcibly relocated to the Uzbek SSR in the 30s and 40s of the 20th century, in particular, issues and problems related to education and upbringing, based on sources and literature.

Keywords: Uzbek SSR, deportation, punished peoples, People's Commissariat of Education, school education, orphanage, problems of educational inclusion.